




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE TRANSFORMATIVE ROLE OF ENTREPRENEURSHIP AND ECONOMIC RELATIONS IN PUBLIC DIPLOMACY: ANALYSIS OF HISTORICAL EXPERIENCE AND CONTEMPORARY TRENDS

Otabek Kudratovich Alimardonov

PhD in History

Associate Professor of the Department of

“Contemporary History of Uzbekistan” at the Faculty of History

National University of Uzbekistan

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Public diplomacy, entrepreneurship, economic relations, paradiplomacy, sister cities, trade, cultural diplomacy, investment.

Received: 04.07.25

Accepted: 04.07.25

Published: 04.07.25

Abstract: This article analyzes the interconnection between entrepreneurship and economic relations within the framework of public diplomacy, focusing on historical experiences and modern trends. Drawing on historical case studies and contemporary data, the author demonstrates the significant role of merchants and entrepreneurs in cultural, social, and political interactions across nations. Entrepreneurs are evaluated as key actors in public diplomacy. The study also highlights recent developments in paradiplomacy and sister city partnerships. Using Uzbekistan as a case study, the impact of national entrepreneurship and handicrafts on international cooperation and diplomacy is explored.

“ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ИҚТISОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАТИВ ЎРНИ: ТАРИХИЙ ТАЖРИБА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАХЛИЛИ”

Отабек Кудратович Алимардонов

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти

Ўзбекистон Миллий университети

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Халқ дипломатияси, тадбиркорлик, иқтисодий алоқалар, парадипломатия, биродар шаҳарлар, савдо, маданий дипломатия, инвестиция.

Аннотация: Ушбу мақолада халқ дипломатиясида тадбиркорлик ва иқтисодий алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг тарихий тажрибалари ҳамда замонавий тенденциялари таҳлил қилинади. Муаллиф тарихий мисоллар ва замонавий тадқиқотлар асосида савдогарлар ва тадбиркорларнинг маданий, ижтимоий ва сиёсий алоқаларда қандай муҳим рол ўйнаганини кўрсатади. Мақолада тадбиркорлар халқ дипломатиясининг фаол субъектлари сифатида баҳоланиб, парадипломатия ва биродар шаҳарлар алоқалари доирасидаги замонавий ютуқлар таҳлил қилинади. Ўзбекистон мисолида халқаро ҳамкорлик, сармоявий лойиҳалар ва миллий хунармандчиликнинг дипломатик таъсири ўрганилади.

ТРАНСФОРМАТИВНАЯ РОЛЬ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ В НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ: АНАЛИЗ ИСТОРИЧЕСКОГО ОПЫТА И СОВРЕМЕННЫХ ТЕНДЕНЦИЙ

Отабек Кудратович Алимардонов

Кандидат исторических наук (PhD)

Доцент кафедры «Новейшая история Узбекистана» исторического факультета
Национального университета Узбекистана,

alexkhanfrank@gmail.com

Ташкент Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Народная дипломатия, предпринимательство, экономические связи, парадипломатия, города-побратимы, торговля, культурная дипломатия, инвестиции.

Аннотация: В данной статье анализируется взаимосвязь предпринимательства и экономических связей в контексте народной дипломатии, а также их исторический опыт и современные тенденции. Автор, опираясь на исторические примеры и современные исследования, показывает значимую роль торговцев и предпринимателей в культурных, социальных и политических взаимодействиях между народами. Предприниматели рассматриваются как активные субъекты народной дипломатии. Анализируются современные достижения в рамках парадипломатии и городов-побратимов. На примере Узбекистана рассматривается влияние предпринимательства и ремесел на развитие международного сотрудничества.

Кириш. Глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги муносабатлар фақат расмий дипломатик каналлар орқали эмас, балки жамиятнинг турли қатламлари – нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маданий ва таълим муассасалари, ҳамда тадбиркорлар орқали ҳам амалга оширилмоқда. Бундай муносабатлар тизими “халқ дипломатияси” атамаси орқали ифодаланиб, жаҳон миқёсида тобора кенг қўлланилмоқда.

Халқ дипломатияси – бу давлатлараро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган, расмий эмас, аммо тизимли ва таъсирchan мулоқот шаклидир. Унинг доирасидаги фаолият, жумладан, тадбиркорлик ва иқтисодий алоқалар, икки томонлама муносабатларнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий пойдеворини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Замонавий ҳалқаро муносабатларда “иқтисодий дипломатия”, “бизнес дипломатия” ва “парадипломатия” каби янги тушунчалар айнан шу жараённинг ифода воситасига айланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тарихда савдогарлар фаолияти кўп ҳолларда давлатлар ўртасидаги маданий ва сиёсий алоқаларга туртки берган. Буюк Ипак йўли, Венеция савдогарлари, араб ва бухоролик тадбиркорларнинг фаолияти ҳалқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни ривожлантирган. Шу жиҳатдан тадбиркорлар кўп ҳолларда ҳалқ дипломатиясининг норасмий, аммо таъсирchan субъектлари сифатида фаолият юритган.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти нафақат иқтисодий, балки дипломатик ва маданий аҳамият касб этмоқда. Миллий ҳунармандчилик, маҳаллий брендлар ва туризм соҳасидаги ташаббуслар орқали мамлакат ташқи имижига ижобий таъсир кўрсатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон мисолида бизнес субъектлари томонидан ҳалқаро кўргазма, фестивал, инвестиция форумларидағи иштирок орқали ҳалқ дипломатиясининг янги механизмлари шаклланмоқда.

Мазкур мақолада ҳалқ дипломатиясида тадбиркорлик ва иқтисодий алоқаларнинг ўрни тарихий ва замонавий мисоллар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг трансформатив хусусиятлари очиб берилади. Шунга қўшимча равишда, парадипломатия ва биродар шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик орқали тадбиркорлик алоқаларининг кенгайишига эътибор қаратилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳалқ дипломатияси, тадбиркорлик ва иқтисодий алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги турли соҳалардаги илмий тадқиқотларда долзарб масала сифатида намоён бўлиб келмоқда. Бу масаладаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳалқ дипломатиясига оид илмий манбалар унинг мафкуравий, маданий ва ахборотвий жиҳатларини кенг ёритган бўлса-да, тадбиркорлик ва иқтисодий ҳамкорлик унинг амалий механизмларидан бири сифатида сўнгти йиллардагина алоҳида эътиборга олинмоқда.

Халқаро даражада Ж. Найнинг “Soft Power: The Means to Success in World Politics” (2004) асарида халқ дипломатиясининг “юмшоқ күч” назарияси доирасидаги ўрни асосланиб берилган. Муаллифга кўра, давлатлар фақат ҳарбий ва иқтисодий күч эмас, балки маданият, қадриялар ва ташки сиёсий қиёфа орқали ҳам халқаро таъсирни таъминлаши мумкин. Умуман, “soft power” тушунчаси орқали тадбиркорлик ва ижтимоий мулоқот шакллари дипломатиянинг тури сифатида қарала бошланган.

Р. Тейлорнинг таҳририда нашр этилган “Public Diplomacy” (2011) тўпламида халқ дипломатиясининг шакллари, турлари ва замонавий институтлари чуқур таҳлил этилади. Унда хусусий секторнинг дипломатиядаги ролига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бизнес субъектлари орқали юзага келаётган глобал мулоқот формал дипломатик йўлларга нисбатан самарали бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўзбекистонда мазкур масалага доир тадқиқотларда ташки сиёсатда иқтисодий манбаатларни илгари суриш, халқ дипломатиясини кучайтириш, ташки бозорларда миллий маҳсулотларни тарғиб қилишга қаратилган сиёсат таҳлил қилинган. Айниқса, Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” ва “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” каби ишларида иқтисодий дипломатия ва хусусий секторнинг ташки алоқалардаги иштироки устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.

Тарихий нуқтаи назардан, Буюк Ипак йўли, Араб савдогарларининг фаолияти, Венециялик Марко Поло ва бухоролик савдогарлар тўғрисидаги академик тадқиқотлар (масалан, Р.Н.Фрай ва Бартольд ишлари) савдо воситасида юзага келган маданий ва сиёсий алоқаларни ёритишида катта аҳамият касб этади. Бу асарлар орқали савдогарларнинг халқлар ўртасидаги мулоқотда қандай воситачи бўлгани тасдиқланади.

Шунингдек, 21 асрдаги рақамли технологиялар ва онлайн платформа орқали амалга оширилаётган тадбиркорлик шакллари ҳақидаги тадқиқотлар, хусусан, Etsy ва Instagram орқали ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишга доир тадқиқотлар (масалан, “Global Handicrafts and Digital Diplomacy” – UNESCO Brief, 2021), халқ дипломатияси ва тадбиркорликни янги босқичга кўтарганини кўрсатади.

Умумлаштириб айтганда, мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, халқ дипломатияси ва тадбиркорлик муносабати фақатгина иқтисодий эмас, балки маданий, ижтимоий ва сиёсий контекстда ҳам ўрганилиши лозим бўлган мураккаб ва кўп киррали илмий масаладир.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда халқ дипломатиясида тадбиркорлик ва иқтисодий алоқаларнинг ўрнини тарихий ва замонавий тенденциялар асосида ўрганиш мақсад қилинди. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги методологик ёндашувлар ва таҳлилий усуллар кўлланилди:

1. Тарихий-компаратив таҳлил. Халқ дипломатияси ва тадбиркорлик ўртасидаги муносабатлар тарихи, айниқса, Буюк Ипак йўли, Венециялик савдогарлар, араб ва бухоролик тадбиркорлар фаолияти мисолида ўрганилди. Бу усул орқали турли даврлар ва ҳудудлардаги иқтисодий алоқаларнинг дипломатик таъсири солиштирма таҳлил қилинди.

2. Системали таҳлил (системалик принципи). Тадбиркорлик, иқтисодий ҳамкорлик ва халқ дипломатияси ўзаро боғлиқ тизимнинг таркибий қисмлари сифатида қаралиб, уларнинг ички муносабатлари, трансформация жараёнлари ва таъсир омиллари тизимли таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Халқ дипломатияси замонавий халқаро муносабатларда тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Унинг доирасида фуқаролик жамияти вакиллари, нодавлат ташкилотлар, санъаткорлар, диний арбоблар ва айниқса тадбиркорлар фаол иштирок этмоқда. Халқ дипломатияси орқали давлатлар ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, маданий алмашинувга эришади ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиради. Савдо алоқалари эса ушбу жараённинг тарихий илдизларга эга асосий каналларидан биридир.

Тадбиркорлик ва дипломатия ўзаро узвий алоқада бўлган икки ҳодисадир. Савдо ва тадбиркорлик ривожи билан бирга мінтақаларро алоқа мустаҳкамланади, маданиятлар ўзаро таъсирга киради, тиллар ўрганилади, урф-одатлар алмашади. Шу жиҳатдан олганда, тадбиркорлар кўп ҳолларда халқ дипломатиясининг асосий етказувчиси бўлган.

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида давлатлар ўртасидаги алоқаларда иқтисодий дипломатия, бизнес дипломатия каби атамалар тез-тез учрайди.

Иқтисодий дипломатия – бу давлатнинг ташқи сиёсатини иқтисодий воситалар орқали амалга ошириш тизими бўлиб, у халқаро савдо, инвестиция, сармоя, молиявий институтлар ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари билан алоқалар орқали миллий манфаатларни илгари суради.

Бизнес дипломатия халқаро бизнесни юритиш ва турли мамлакатлар ва маданиятлар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарали воситасидир. У бизнес мақсадларига эришиш ва узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатиш учун дипломатик усуллар ва стратегиялардан фойдаланишга асосланган. Бизнес дипломатия тамойилларига ишонч, ўзаро очиқлик, маълумотларнинг ҳаққонийлиги, муросага келиш қобилияти ва давлат идоралари билан мувофиқлаштириш киради. Ушбу ёндашув ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга ва халқаро бозорда муваффақиятли фаолиятга ёрдам беради[1].

Тарихдан маълумки, Буюк Ипак йўли орқали Хитой, Марказий Осиё, Эрон, Арабистон, Европа ва Ҳиндистон ўртасида катта савдо алоқалари шаклланган. Бу йўл нафақат ипак, чинни ва зираворлар савдосига хизмат қилган, балки фалсафа, дин, санъат ва

тил алмашинувини ҳам таъминлаган. Тадбиркор ва савдогарлар ислом, буддизм, хинд маданиятини турли минтақаларга олиб кирганлар.

Куйидаги жадвалда савдогарларнинг ҳалқ дипломатиясидаги ўрнига доир баъзи тарихий мисоллар келтирилади.

Савдо тармоқлари		Худудлар	Ўрни
1.	Буюк Ипак йўлидаги савдогарлар (милоддан аввалги ва милодий асрлар)	Хитой, Марказий Осиё, Эрон, Араб дунёси, Европа	Ипак йўли орқали саёҳат қилган савдогарлар (хусусан, хитойликлар, соғдийлар, араблар ва форслар) турли ҳалқлар ўртасида маданият, дин (буддавийлик, ислом, насронийлик), тил ва урф-одатларни ёйишда муҳим рол ўйнаган.
2.	Венециялик савдогарлар (Ўрта асрлар, Европа—Осиё алоқалари)	Италия, Византия, Усмонли империяси, Миср	Масалан, Марко Поло Италияга қайтгач, ўз сафарлари ҳақида ёзган китоби орқали Хитой ҳақида Европада қизиқиш уйғотган, бу эса дипломатик ва маданий алоқаларга туртки бўлган.
3.	Араб савдогарлари ва исломнинг ёйилиши (7–10-асрлар)	Шарқий Африка, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё	Индонезия ва Малакка яриморолига ислом айнан савдогарлар орқали кириб келган. Бу эса мусулмон дунёсининг кенгайишига, мусулмон давлатлари ўртасида савдо ва дипломатик алоқаларнинг шаклланишига хизмат қилган.
4.	Бухоролик ва хивалик савдогарлар (19–20-аср бошларида)	Россия империяси, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон	Савдогарлар Россия ва Британия империялари ўртасидаги рақобат фонида муҳим ахборот манбаи ва воситачилар бўлган. Баъзида бу савдогарлар дипломатик топшириқларни бажарган, яъни ҳалқ дипломатиясининг бевосита вакилига айланган.
5.	Яхудий савдогарлар (Ўрта асрларда ва Янги давр бошларида)	Европа, Ўрта Ер денгизи, Осиё	Кўп тилли ва ҳалқаро тармоқларга эга бўлган яхудий савдогарлар турли давлатлар орасида дипломатик воситачи сифатида ҳам кўрилган, чунки кўп ҳолларда бир-бирига душман давлатлар яхудий савдогарлар орқали гаплашган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, савдогарлар ҳалқ дипломатиясининг норасмий, аммо самарали субъектлари бўлган. Улар ҳалқлараро ишончни шакллантириш, маданий алмашинув, диний таъсир ва ҳатто сиёсий воситачиликда фаол иштирок этган. Бугунги замонавий “маданий дипломатия” ва “иқтисодий дипломатия” тушунчалари ҳам айнан шу тарихий жараёнларнинг давомидир.

Буюк А.Темур салтанати пойтахти Самарқандда бир пайтининг ўзида дунёning тўрт иқлимидан келган савдогарлар жам бўлганлиги ҳақида тарихий далиллар бисёрdir. Масалан, 1402 йилда Франция қироли Карль VI га йўллаган мактубида: “Сиз, аъло

ҳазратлари, ўз савдогарларингизни бизнинг мамлакатимизга юборсангиз. Биз ўз томонимиздан уларнинг иззат-хурматини сақлаш, уларга зўрлик кўрсатиб, зиён-захмат етказмаслигини таъминлаймиз. Чунки дунё савдо аҳли билан обод ва фаровондир”, дейилади [2]. Унинг “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шиҷоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир” деган сўзлари замонавий даврда ҳам ўз аҳамияти жихатидан тадбиркорликни ҳам маҳаллий ҳам ташқи алоқаларда муҳимлигини билдиради. Зеро, тадбиркорлик жамиятимизни бундан-да тараққий эттиришнинг, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир.

2002 йилда АҚШга расмий ташриф билан борган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов АҚШ сармоядорларига: “Биз ёрдам сураб, қўл узатиб келганимиз йук;, ҳамкорлик нияти билан келдик. Еримиз бой, саховатли, халқимиз меҳнаткаш, бағри кенг. Келинг, бирга ишлайлик. Сиз ҳам фойда кўринг, биз ҳам”, деган сўзларида икки мамлакат тадбиркорларини ҳамкорлик қилишга ундаган эди [3].

“Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” деб номланган асарида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташқи сиёсатимизнинг тўрт муҳим натижасидан бири сифатида иқтисодий дипломатияга алоҳида тўхталиб ўтиб, уни ривожлантиришнинг шартларини белгилаб берган эди [4].

Мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани бизнеснинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганидан далолат беради [5]. Биргина 2023 йилда ушбу йўналишда 4 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди, хорижий давлатлардаги элчиноналаримиз томонидан 70 дан зиёд бизнес-форумлар ташкил этилди. Шу йўл билан 77 та инвестиция лойиҳаси доирасида 13 миллиард АҚШ долларига тенг сармоя жалб қилишга эришилди [6].

Бугун юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ишлаб чиқариш, туризм, маҳаллий ҳунармандчилик “Made in Uzbekstan” шиори остида миллий маҳсулотларимизни дунё бўйлаб тарғиб қилинмоқда.

Бир неча йиллардан бери Тошкент инвестиция форуми ўтказилиб келинмоқда. 30,5 млрд долларлик ҳужжатлар имзоланган жорий йилги IV Тошкент халқаро инвестиция форуми (илк учта форумда умумий 44 млрд доллар эди) Ўзбекистон энди факат ресурс ҳудуди сифатида кўрилмаётгани аксинча ўзаро ҳамкорлик ва тадбиркорлик майдонига айланганини кўрсатса, тадбирда 3 мингдан ортиқ хорижлик иштирок этаётгани Ўзбекистонга узоқ муддатли шериклик майдони сифатида барқарор қизиқиш мавжудлигидан далолат беради [7].

Халқ дипломатиясида тадбиркорлик алоқалари алоҳида ўрганилиши керак бўлган соҳа ҳисобланади. Тарихнинг ҳар қандай даврида хоҳ тинчлик бўлсин хоҳ урушлар даври – барчасида ўзаро алоқаларда савдогарлар, тадбиркорлар, савдо ва хунармандчилик бирлашмаларининг ўрни катта бўлган. Уларнинг халқаро фаолияти халқ дипломатиясига асосланган.

Мазкур жадвалда халқ дипломатияси ва тадбиркорлик алоқаларига оид амалий мисоллар келтирилган [8]. Унда хорижда ва мамлакатимизда ташкил этилган миллий хунармандчилик, туризм, гастрономия ва бошқа ярмарка ва қўргазмалар келтириб ўтилган.

Тадбир номи		Қачон ва қаерда ўтказилган	Мазмуни
1.	“Лингуафест 37” халқаро тиллар ва маданиятлар фестивали[9]	2018 йил 20-27 ноябрь Франция, Тур шаҳри	500 дан ортиқ миллий хунармандчилик ва тасвирий санъат намуналари сотилган.
2.	“Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида дўстлик алоқаларни мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг роли”[10].	2019 йил 18-25 март Латвия, Эстония ва Финляндия	Рига марказий бозорида “Ўзбек ҳовлиси” нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Латвиянинг ишбилармон доиралари, жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Иштирокчиларга Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва туризм соҳасини ривожлантиришга ҳамда инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қарататётгани ҳақида маълумот берилди.
3.	“Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришда халқ дипломатиясининг ўрни” мавзусида давра сухбати[11]	2019 йил 20-25 март Мўғулистан, Улан – Батор шаҳри	Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тақдимот қилинди, чорвачилик соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди
4.	Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида халқ дипломатияси ҳамда Ўзбекистоннинг туризм ва сармоявий салоҳиятига бағишлиланган давра сухбати[12]	2019 йил 20-29 март АҚШ, Чикаго, Нью-Йорк, Атланта	Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва туризм соҳасини ривожлантиришга ҳамда инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қарататётгани ҳақида маълумот берилди.
5.	“Тасанно-2019” анъанавий халқаро миллий таомлар ва маданиятлар фестивали[13]	2019 йил 24 сентябрь Ўзбекистон, Тошкент	Озарбайжон, Вьетнам, Германия, Греция, Испания, Индонезия, Қозогистон, Қирғизистон, Хитой, Латвия,

			Россия, Тожикистон, Туркманистон, Франция давлатлари вакиллари ва мезбон Ўзбекистон ошпазлари ўзларининг миллий таомларини тақдим этдилар. 30 га яқин халқларнинг миллий хунармандчилик наъмуналари, урф-одат ва анъаналари, қадриятлари миллий куй ва қўшиқлар жўрлигига намойиш этилди.
6.	“Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган шаҳарларни биргаликда ривожлантириш” конференцияси[14]	2019 йил 9-10 декабрь XXР, Хунан провинцияси Чжанцзяцзе шаҳри	Ўзбекистон ва Хитой шаҳарларининг иқтисодий, савдо, маданий, таълим, туризм соҳаларини янада ривожлантириш хусусида ўзаро ҳамкорлик лойихаларига тааллуқли бизнес форум
7.	Болгария Бирлашган бизнес клублар раиси В.Халачев бошчилигидаги делегация ташрифи[15]	2022 йил 15 апрель Ўзбекистон, Тошкент	Туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, тадқиқот ва инновациялар, сунъий интеллект, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа бир қанча тармоқларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш.
8.	“Ўзбекистон ва Литва ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришда халқ дипломатиясининг ўрни” мавзусида давра суҳбати[16]	2022 йил 18-25 апрель Латвия ва Литва, Вильнюс ва Висагинас шаҳарлари	Навоий вилоятининг иқтисодий имкониятлари тақдимот қилинди
9.	“Ўзбекистон маданияти кунлари”[17]	2022 йил 15-20 сентябрь АҚШ, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсильвания ва Огайо штатлари	Концерт дастурлари, миллий хунармандчилик буюмлари кўргазмалари, Тадбирларга 10 мингга яқин ватандош, АҚШ расмийлари, илмий ва ишбилармон доира вакиллари ҳамда маҳаллий ОАВнинг иштироки кузатилди.
10.	“Ўзбекистон ва Болгария ўртасида халқ дипломатияси ва маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш” мавзусида давра суҳбати, “Шимолий Македония-Ўзбекистон” дўстлик	2022 йил 5-12 декабрь Болгария ва Шимолий Македония	Савдо сотиқ, таълим, маданият, туризм йўналишидаги ҳамкорлик алоқалари, Болгариянинг Булгаз шаҳрида Ўзбекистоннинг савдо

	жамиятини очилишида иштирок этиш[18]	терминалини очиш масаласини кўриб чиқиш
Халқ дипломатияси ва тадбиркорликни ўзаро боғлиқлиги 4 та муҳим жиҳатда намоён бўлади.		

Биринчи жиҳат, халқ дипломатияси орқали мамлакат иқтисодиёти, саноати, ишлаб чиқариш, инфратузилмалар ва миллий маҳсулотларни хориж жамоатчилигига таништириш имкони вужудга келади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири томонидан (№01-07/1647 сонли 01.06.2018 йилда) тасдиқланган Ўзбекистон ва Франция илмий-тадқиқот марказлари ҳамда маданий муассасалари ўртасида 2018-2022 йилларга мўлжалланган ҳамкорликка оид “Йўл харитаси” нинг 16,17 бандларининг ижросини таъминлаш учун Францияда Ўзбекистон тарихи, санъати ва маданиятини кенг тарғиб этиш мақсадида Париж шахрида ташкил этилган “Мерос” ассоциацияси ва “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш ҳамда Франциянинг Тур шахрида “Лингуафест 37” ассоциацияси томонидан ўtkазилган ҳалқaro тиллар ва маданиятлар фестивалида қатнашиш мақсадида “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти аъзоларининг 6 кишидан иборат делегацияси 20-27 ноябрь кунлари Францияда хизмат сафарида бўлди[19]. Сафар давомида ўзбекистонлик рассом А.Бойбеков Франциянинг машхур Шанел ҳушбўй ифорлар ишлаб чиқарувчи компаниясига 500 дона сурат сотган. Иккинчи мисол, Хитойда таҳсил олаётган вақтда бир талаба ватандошимиз хитойлик курсдош дўстидан унга бир манзилга бориш учун йўл сўраганда у ҳайрон қолиб сенга бу манзил нима учун зарур деб сўрайди, шунда у отасини тадбиркор эканлигини ва унга зарур бўлган техника жиҳожларини сотиб олиш учун ўша манзилга кетаётганлигини айтади. Хитойлик талаба ўзбекистонлик дўсти бормоқчи бўлган манзилда отасининг корхонаси жойлашганини айтиб унга ёрдам беради. Натижада халқ дипломатиси орқали икки томон 100 минг долларлик шартномага эришиб бизнес ҳамкорлик ўрнатилади[20]

Иккинчи жиҳат, тадбиркорлик орқали халқ дипломатиясини кенг тарғиб этиш мумкин бўлади. Энг фаол халқ дипломатлари айнан тадбиркорлардир. Улар мамлакатнинг тарихи, маданияти ва санъатини хориж жамоатчилигига таништиради. АҚШда истиқомат қиласиган ватандошимз Мақсуд Тожибоев фаолияти бунга ёрқин мисол бўлди[21].

М.Тожибоев АҚШда 1997 йилдан бери АҚШда истиқомат қилиб, турли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. Шу йиллар давомида АҚШдаги ватандошлар ўртасида маданий-маърифий ишларни фаолларидан бири сифатида 2009 йилда АҚШнинг Миссouri штатида “Умум ўзбек уюшмаси”га асос соглан. Ушбу уюшма 2009-2015 йилларда ватандошлар ўртасида кўплаб маданий-маърифий ишларни ташкил этиб уларни қўллаб кувватлаб келган. Жумладан, Ўзбекистоннинг муҳим саналарига бағишлиланган байрам тадбирларини 2011, 2012, 2013 йилларда ўтказиб, АҚШда Ўзбекистон маданияти ва

санъатини кенг тарғиб қилишда маданият кунлари, кино ва санъат ижодкорларини учрашувларини ташкил этиб келган. Тадбирларга Ўзбекистондан машхур санъаткорлар таклиф этилган. 2018 йилда “Ўзбек алломаларининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни” мавзусида конференция ташкил этилган.

Уюшма ўз фаолияти давомида кўплаб акция ва ҳайрия тадбирларини ҳам ташкил этган. Хусусан, 2011 йилда Ўзбекистонга 1 тоннага яқин тиббий маҳсулотлар ва кийим-кечакларни юбориш ишларида фаол қатнашган. М.Тожибоев шунингдек, АҚШдаги ватандошларнинг “Юртдош” (Филадельфия), “Ватандош” (Нью-Йорк), “Ўзбек-Америка” (Чикаго) каби уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб борган.

Яна бир қизиқ мисолга тўхталиб ўтсак, 2024 йил 19 декабрда таникли CNN нашри “Young Uzbeks are finding new markets for traditional handicrafts online” сарлавҳасида мақола эълон қилди [22]. Азиза Тожиева ҳақидаги CNN мақоласида ўзбек миллий хунармандчилигининг рақами трансформацияси ва халқаро бозордаги ўрни ёритилган. Мақолада ёзилича, Бухоро вилоятида яшовчи 24 ёшли Азиза Тожиева ўзининг қўлда тикилган сўзаналари ва бошқа хунармандчилик буюмларини Etsy, Instagram ва eBay каби онлайн платформалар орқали сотган. Унинг маҳсулотлари асосан АҚШ мижозларига етказиб берилади. Бу фаолият нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки ўзбек хунармандчилигини халқаро миқёсда тарғиб қилишга хизмат қиласи.

Учинчи жиҳат, Халқ дипломатияси ва тадбиркорлик – ҳар иккисининг ҳам мақсади мамлакат ва халқ фаровонлигини таъминлашга, дўстона ва манбаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилишдан иборат.

2019 йил АҚШ ва Канада Бухоро яхудийлари конгресси ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигига “Самарқанд вилояти ва Бухоро яхудийлари вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида халқаро бизнес форум ўтказилди[23]. Тадбирда АҚШ, Канада, Истроил, Россия, Австрия, Германия ва Австралиядан 300 га яқин Бухоро яхудий диаспораси вакиллари иштирок этди. Туризм, тиббиёт, қурилиш, косметология, заргарлик ва бошқа соҳалар бўйича Бухоро яхудийлари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан таклифлар билдирилди.

– Биз Ўзбекистонда ўзимизни ўз уйимиздагидек ҳис қиляпмиз, – деди АҚШ ва Канададаги Бухоро яхудийлари конгресси президенти Б.Кандов. – Бу мамлакатда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ эмасмиз. Эришилаётган ютуқларни ҳам ўзимизнидек мамнуният билан қабул қиласиз. Ўзбекистон равнақига ҳисса қўшиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаймиз, уларга қўмаклашишга тайёрмиз.

Тўртинчи жиҳат, Халқ дипломатияси ва тадбиркорликнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали нодавлат ва суб минтақавий даражада муносабатлар ўрнатилади ва мустаҳкамланади.

Парадипломатия бу халқ дипломатияси ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг туташган нуктасидир. Кейинги йилларда ҳудудларимизнинг бошқа мамлакатлар минтақалари билан горизонтал алоқаларини кучайтириш борасида ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, Хитой, Россия, Қозогистон давлатлари билан минтақалараро ҳамкорлик алоқаларини мувоғиқлаштириш бўйича маҳсус кенгашлар тузилган. Улар бир неча йилдан буён фаолият юритмоқдалар, минтақалараро ҳамкорлик форумлари ўтказилмокда [24].

2022 йил апрелида Литванинг Висагинас шаҳри ва Ўзбекистоннинг Навоий шаҳри ўртасида биродарлик алоқаси ўрнатилди. Ушбу ҳамкорлик халқ дипломатияси йўли билан яъни Ўзбекистондан Миллатлараро муносабатлар қўмитаси, “Ўзбекистон-Литва” дўстлик жамияти, Литвадан Литвадаги “Литва Республикасидаги Ўзбек маданияти маркази” томонидан ташкил этилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. 2022 йил 3-7 октябрь кунлари Литванинг Висагинас шаҳри мэри Э. Галагуз бошчилигидаги 3 кишидан иборат делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди[25].

Ташриф давомида делегация аъзолари Навоий шаҳрида бўлиб, шаҳар маъмурияти фаолияти, таълим тизими, ёшлар ва маҳалла билан ишлаш масалалари, ҳудуддаги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари ҳамда миллий маданий марказлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Навоий шаҳар ҳокимиятида бўлган учрашувда шаҳар ҳокими, 40 дан ортиқ маҳаллий тадбиркорлар ва жамоатчилик фаоллари иштирок этди. Навоий ва Висагинас шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқаларининг ўрнатилганлиги икки шаҳарнинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланиб, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар келишиб олинди. Э.Галагуз икки мамлакат ўртасида туризм истиқболлари хусусида ҳам тўхталиб, бу борада Тошкент-Вильнюс-Тошкент ҳаво қатновини очиш таклифини билдириб, литвалик туристлар оқимининг кўпайишига олиб келишини айтиб ўтди. Натижада экспорт ва импорт борасида ижобий келишувлар ўрнатилди.

Меҳмонлар шаҳарда ташкил этилган “Томсон” хусусий мактаби ҳамда “Профи” хусусий университети фаолияти билан танишиб, улардаги замонавий шароитлар жаҳон стандарти даражасида эканлигини айтиб ўтишди.

Меҳмонлар шаҳардаги ишлаб чиқариш ва саноат зоналарида бўлишди. Хусусан, металга қайта ишлов берувчи ва саноат машиналари учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи “Grand Group Gidro” ҳамда автоуловлvr учун филтрловчи мосламалар ишлаб чиқарувчи “Universal filtres” хусусий корхоналар фаолияти билан яқиндан танишилди.

Шаҳарнинг “Жанубий” маҳалласида бўлган учрашувда делегация аъзоларига маҳалла институти фаолияти таништирилди. Э.Галагуз ўзбек маҳаллаларининг тозалиги, осоиишталиги ва маҳалла аҳлиниң бирдамлигига юқори баҳо бериб, ўрганиш ва тажриба ортириш учун ҳамкорлик килиш истагини билдириди.

Парадипломатия алоқалари айниқса Хитой билан жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида фаол ва прагматик ташки сиёсат, халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва азалий дўстлик алоқалари туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иктисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик йил сайн ривожланиб бормоқда. Хусусан, кейинги беш йилда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида савдо айланмаси икки баробарга ошиб, 2024 йилда 13 миллиард долларга етди. 2017 йил билан солиширилганда Хитойдан Ўзбекистонга жалб қилинаётган тўғридан тўғри инвестициялар беш баробарга, қўшма корхоналар сони уч баробарга ошди. Кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, майший техника, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Хитой компаниялари учун алоҳида имконият яратиш мақсадида ҳудудларимизда 8 та Ўзбекистон –Хитой саноат парки фаолият юритмоқда.

2024 йилда Хитойнинг 10 дан ортиқ минтақаси раҳбарлари Ўзбекистонга келган бўлса, Ўзбекистондан барча вилоятлар ҳокимлари Хитойда бўлган қолаверса, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида фаол харакат олиб борилиб, бугунги кунда икки мамлакат ўртасида 20 дан ортиқ шаҳар ва минтақалар ўзаро биродарлашгани ҳамкорликнинг юқори динамикаси сифатида эътироф этиш мумкун. 2024 йил декабрь ойида Урумчи шаҳрида биринчи Ўзбекистон – Хитой ҳудудлараро форуми ўтказилган бўлса, 2025 йил 1-2 июнь кунлари Самарқандда “Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда сармоя ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга қаратилган иккинчи Ўзбекистон-Хитой ҳудудлараро форуми бўлиб ўтди [26].

Иккинчи форумда Хитойдан мингга яқин йирик компаниялар вакиллари ва тадбиркорлар, ўз навбатида юртимиздан 1400 нафардан ортиқ ишбилармонлар, фирма ва компаниялар масъуллари қатнашганлиги ҳудудлараро ҳамкорлик жадал ривожланаётганидан далолат беради.

2025 йил 7 майда ташкил этилган Биродар шаҳарлар альянсининг мақсад ва вазифалари қаторига ҳам айнан ўзаро биродар шаҳарларининг бизнесменлари, савдо ва тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳоли ўртасида яқин алоқаларни ўрнатиш, ҳудудлараро туризм, шаҳарсозлик, савдо-иктисодий, илмий-техника, иқтисодиёт тармоқларида ҳамкорликни маҳаллий даражада кенгайтиришга кўмаклашиш киради[27].

Икки давлат ҳудудлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида бундай форумлар ишбилиармонлар доираси вакиллари иштирокида ўтказилмоқда. Уларда транспорт-логистика, саноат, туризм ва ёшлар соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари мухокама қилинмоқда. Бундан ташқари, икки томонлама учрашувларда турли ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қўргазмаси ташкил этилиб, савдо ва сармоявий битимлар имзоланади.

Бугунги кунда тадбиркорлик ва савдо орқали шаҳарлар ўртасида биродарлик алоқалари ривожланиб бораётганига кўплаб мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, Бухоронинг АҚШдаги биродари Санта-фе билан ҳамкорлиги натижасида хунарманд-тадбиркорлармиз миллий маҳсулотларимизни АҚШ бозорига олиб чиқиб йилига 500-600 минг доллар фойда кўришмоқда [28].

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқот ҳалқ дипломатиясида тадбиркорлик ва иқтисодий алоқаларнинг тарихий ҳамда замонавий жараёнларда стратегик аҳамият касб этишини тасдиқлади.

Замонавий ҳалқаро муносабатларда эса тадбиркорлик фаолияти орқали мамлакатнинг ташқи имижи, инвестицион жозибадорлиги ва маданий қадриятлари тарғиб этилаётгани ҳалқаро амалиётларда кенг кузатилмоқда. Ўзбекистон мисолида миллий хунармандчилик, бизнес-форумлар, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар, туризм ва инвестиция салоҳияти орқали ҳалқ дипломатияси фаолияти кучаймоқда.

Ҳалқ дипломатияси ва тадбиркорликнинг интеграциялашган ҳолда амалга оширилиши давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, мулоқот маданияти ва барқарор шериклик муносабатларини мустаҳкамлайди.

Таклифлар.

- “Ҳалқ дипломатияси элчилари” концепцияси доирасида фаол тадбиркорларни танлаб, расмий тарзда рағбатлантириш;
- Ҳалқаро қўргазма ва форумларда Ўзбекистонни намоён этаётган хусусий сектор вакилларига дипломатик ва имтиёзли ёрдам кўрсатиш;
- Биродар шаҳарлар ва парадипломатик алоқаларни тадбиркорлик нуқтаи назаридан кенгайтириш;
- Маҳаллий тадбиркорлар ва ҳокимиятлар ўртасида ўзаро сафарлар, бизнес-ҳамкорлик платформалари ва муштарак инвестиция лойиҳаларини йўлга қўйиш;
- Миллий хунармандчилик ва туризм маҳсулотларини рақамли платформалар орқали глобал бозорга олиб чиқиши рағбатлантириш;
- Etsy, Amazon, Alibaba ва шунга ўхшаш платформаларда “Made in Uzbekistan” брендини кенг тарғиб этиш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш;

–Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари ҳузурида “Бизнес дипломатия марказлари” ни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Бизнес дипломатия ва ёшлар” онлайн вебинари / <https://scocenter.uz/post-detail/569>
2. Ш.М. Мирзиёев, Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2024. – 491 бет
3. Америкага ташриф. – Визит в Америку. Масъул мухаррир X. Султонов – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 416 бет.
4. Ш.М. Мирзиёев, Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2024. – 117 бет
5. Давлат – тадбиркорга, тадбиркор халққа мададкор / <https://parliament.gov.uz/oz/articles/666>
6. Ш.М. Мирзиёев, Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2024. – 118 бет
7. Toshkent investitsiya forumida 30,5 mlrd dollarlik bitimlar imzolandi / <https://www.gazeta.uz/oz/2025/06/13/invest-forum/>
8. Мазкур жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
9. Фарангистонда тиллар ва маданият фестивали. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №4/2018 –63-бет.
10. Ўзбекистон Шимолий Европа мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамламоқда. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №2/2019 –55-бет.
11. Ўзбекистон-Мўғулистан: ҳамкорликка қизиқиш катта. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №2/2019 –58-бет.
12. О.Алмардонов Она ватан билан узилмас ришталар. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №2/2019 –52-бет.
13. “Тасанно-2019”– маданият ва миллий таомлар халқаро фестивали. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №4/2019 –26-бет.
14. О.Алимардонов Ўзбекистон делегацияси Хитойда. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №4/2019 –84-бет.
15. Болгариянинг Бирлашган бизнес клублар раиси В.Халачев бошлигидаги Болгария делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи тўғрисида маълумот. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик

алоқаларини ривожлантириш бўлимининг “Ўзбекистон-Болгария” дўстлик жамияти жилди 26-варак.

16. Ўзбекистон делегациясининг Латвия ва Литва давлатларига сафари тўғрисида маълумот. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг “Ўзбекистон-Латвия” дўстлик жамияти жилди 34-варак.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг жорий архиви

18. Қўмита бошлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Болгария ва Шимолий Македонияга сафари тўғрисидамаълумот. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг “Ўзбекистон-Болгария” дўстлик жамияти жилди 53-варак.

19. Фарангистонда тиллар ва маданият фестивали. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №4/2018 –62-бет.

20. 2019 йил декабрь ойида Пекин шаҳрида муаллифнинг ўзбекистонлик талабалар билан ташкил этилган сұхбатидан

21. 2020 йилнинг 19 август куни АҚШда истиқомат қиласиган ватандошимиз Тожибоев Мақсуд билан сұхбатдан.

22. Young Uzbeks are finding new markets for traditional handicrafts online / <https://edition.cnn.com/business/uzbekistan-handicrafts-suzanis-digital-etsy-spc/index.html?utm>

23. <https://old.gov.uz/uz/news/view/24048> Хориждаги Бухоро яхудийлари Самарқанд меҳмони

24. Ш.М. Мирзиёев, Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 117 бет

25. <https://interkomitet.uz/bosh-sahifa-kir/litva-delegacziyasi-bilan-uchrashuv-b%D1%9Elib-%D1%9Etdi/?lang=oz>

26. Самарқанд шаҳрида иккинчи Ўзбекистон – Хитой худудлараро форуми бўлиб ўтди. https://uza.uz/oz/posts/ozbekiston-hitoy-hududlararo-forumi-hamkorlikning-yangi-istiqbollarini-ochdi_726625?q=%2Fposts%2Fozbekiston-hitoy-hududlararo-forumi-hamkorlikning-yangi-istiqbollarini-ochdi_726625

27. Ўзбекистонда “Биродар шаҳарлар альянси” тузилди (+видео) / https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-birodar-shaharlar-alyansi-tuzildi-video_720791

28. АҚШнинг Санта-Фе шаҳридаги ярмаркада салкам ярим миллион долларлик ўзбек милий хунармандчилик маҳсулотлари сотилди /
<https://dunyo.info/uzk/Fakt/uzbekskie-mastera-predstavili-svoi-raboty-na-vystavke-yarmarke-remeslennikov-v-amerikanskom-gorode-santa-fe>